СИРДАРЁ ОБЛАСТИНИНГ МАШЪАЛЛАРИ









Суратларда (чапдан): С. САНАҚУЛОВА — Жиззах районидаги Жданов номли колхоз бригадири, Ж. АҚИЛБЕКОВ — «Фориш» совхозининг бош чўпони, Ғ. УРДУШОВ — «Пахтакор» совхозининг бригадири, Кан ЛЕВ — «Заря коммунизма» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, С. ЕСИМОВ — «Қизилқум» совхозининг директори, Н. ЕСЕНТОЕВ —«Пахтаорол» совхозининг бўлим бошлиғи, У. ОҚЖИГИТОВА — Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхозининг механик-ҳайдовчиси.

СИРДАРЁ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Сирдарё — бу Ватанимизнинг ёш, эндигина қанот ёзаётган, ёрқин истиқболга эга бўлган новқирон областидир. Унинг вужудга келиши улуғ Ленин кўрсатмалари, режалари ҳамда васиятларини шу буюк генийга хос оқилона ва принципиал иш кўраётган содиқ ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитетининг ҳалқ бахти саодати тўғрисида, мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг янги, жуда катта мисолидир. Дарҳақиқат Владимир Ильич Ленин Мирзачўлнинг келажагини башорат қилиб, уни забт этиш ҳақида имзо чеккан декрети коммунизм нурафшон биноси қурилаётган мана шу мўътабар кунларимизда зўр куч, буюк эҳтирос ва ташаббус билан тўла рўёбга чиқмоқда.

Янги ташкил этилган Сирдарё области асосан Мирзачўл ерларини эгаллайди ва бу ерлар яқин келажакда мамлакатимизнинг асосий пахта етиштирувчи районларидан бирига айланади. 1963 йилнинг ўзидаёқ область далаларида 414 минг тонна «оқ олтин» етиштирилади. Бу ҳосилнинг катта қисми янги ўзлаштирилаётган ерлардан олинади. Сирдарёда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма соҳалари тез ривожланади, саноат корхоналарининг янги корпуслари қад кўтаради, шаҳарлар, посёлкалар, район марказлари барпо этилади.

Мирзачўлнинг истиқбол режалари катта муваффақият билан амалга оширилаётган бир пайтда Сирдарё область партия ташкилотининг биринчи конференцияси тўпланди. Чўлни забт этаётган баҳодирларнинг оташин курашчилари, ажойиб ташкилотчилари ва авангарди бўлган партиялилар оммаси ўз конференциясига ташкилий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан жипслашган ҳолда. Коммунистик партиянинг ҳар қандай топшириқларини бажаришга тайёр турган ҳолда келдилар. Улар конференцияга тўпланар эканлар, ўз олдиларида масъулиятли, оғир ва қийин ишлар турганлигини, янги ерларда коммунизм моддий-техника базасини тезроқ яратишга хизмат қиладиган кучли базалардан бирини вужудга келтириш зарурлигини яхши англайдилар. Ҳақиқатан ҳам чўл бағрида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдек катта ва мураккаб вазифани ҳал қилиш янги областнинг партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларидан, қишлоқ хўжалиги органларидан, қурувчилардан, барча коммунист ва комсомоллардан ҳар қандай қийинчиликларни қатъият ва сабот билан енгиш, ҳар бир ишни сира ҳаёлламай ўз вақтида бажариш, мавжуд моддий-техника воситаларидан энг самарали фойдаланиш талаб этилади.

Мирзачўлни бутун совет халқи бўйсундирмоқда. Унинг зарҳал, олтин ерларини ўзлаштиришда оғамиз рус халқининг жуда кўп вакиллари, қардош қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари қатнашмоқда. Мана шу дўстлик, ленинча миллий сиёсатнинг ҳаётий ва қудратли кучи совет халқларининг умумий манфаатлари бирлигида жуда равшан акс этмоқда. Қадрдон қозоқ халқи ўз еринг бир қисмини, — Мирзачўлда жойлашган янги шаҳар ва овулларини, бепоён яйловларини ўз жигар-гўшаси ўзбекларга инъом этган экан, мана шу фактнинг ўзи совет халқининг жипслашган аҳил оиладаги бир дастурхон устида ҳамдамлашиб порлоқ истиқбол сари — коммунизмнинг муаззам эрталиги сари илгарилаб бораётганлигини ёрқин кўрсатади. Партия конференциясида Пахтаорол ва Киров ишлаб чиқариш бошқармалари коммунистларининг вакиллари ҳам қатнашади, биз улар орқали яна бир марта олиҳимматли қардош қозоқ халқига миннатдорчилик туйғуларимизни изҳор этамиз, чин қалбимиздан раҳматлар деймиз.

Сирдарё области КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари асосида партия раҳбарлиги қайта қурилган бир пайтда ташкил топди. Шу жиҳатдан ҳам область партия ташкилоти олдида раҳбарликнинг янги структурасини тўғри ва изчиллик билан амалга ошириш ва уни такомиллаштира бориш, қишлоқдаги янги бошқариш органларига раҳбарликнинг идоравчилик — бюрократликдан иборат эски методларини киритишга уриниш ҳолларига мутлақо йўл қўймаслик, совет, комсомол, касаба союз органлари, барча жамоат ташкилотлари фаолиятини тўғри йўналтириб туриш, доим ёмма орасида, ишлаб чиқаришда бўлиш талаб этилади.

Область партия ташкилоти учун ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Россия Федерациясидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарлари ва бошқарма бошлиқларининг кенгашида сўзлаган нутқи ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини қандай ва қай усулда ташкил этиш ва олиб боришда жуда муҳим қўлланма ҳисобланади. Унда келтирилган фактлар, берилган қимматли маслаҳатлар ва тавсияларда партия ҳаётининг жуда зарур принциплари баён этиб берилган.

Ташкилий даврда партия ва давлат органлари, барча хўжалик ҳамда жамоат ташкилотлари, маданий-оқартув ва маиший муассасаларда ишловчи кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг ишчанлик, сиёсий етуклик, ташкилотчилик фазилатларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш айниқса катта маҳорат талаб қилади. Бу соҳада область партия ташкилоти ҳартарафлама чуқур ўйлаб, принципиал иш кўриши, кадрларни танлаш билан бирга улар тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиши лозим.

Янги ташкил этилган Сирдарё областининг экономика ва маданиятини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш суръатларини тезлаштириш, чўл қуваётган ватанпарварларга ҳар жиҳатдан намунали хизмат кўрсатиш — республиканинг барча министрликлари, бошқармалари, илмий-оқартув муассасаларининг муқаддас бурчидир. Умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу ишдан четда қолиш мумкин эмас. Шу билан бирга бу соҳада матбуот, радио, телевидение ходимлари, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар ва бошқа ижодий ходимлар зиммасига ҳам шарафли вазифа юклатилгандир. Шаҳар ва қишлоқлардан Мирзачўлга келаётган ватанпарварларнинг қайноқ меҳнати, жўшқин ғайрати матбуотимизда, бадиий асарларда, қўшиқларимизда ёркин акс этсин.

Мирзачўлнинг олтин бағри очилмоқда. Унинг битмас-туганмас бойликлари халққа хизмат қилмоқда. Йиллар, неча ўн йиллар ўтар, аммо улуғ Ленининг Мирзачўлни забт этиш ҳақидаги режаларини амалга оширган, бепоён саҳроларни ямашил, чароғон, гўзал водийга, мўл-кўлчилик ўлкасига айлантирган қаҳрамонларнинг буюк яратувчилик ишлари ва бу ишларга бошчилик қилган шонли коммунист ва комсомолларнинг улкан ташкилотчилик хизматлари авлодларимиз учун намуна бўлиб қолади, Ватанимиз эпопеяси бўлиб қолади.

Сирдарё область партия ташкилотининг биринчи конференцияси қатнашчиларига оташин салом йўллаймиз ва уларга коммунизм қуриш йўлида янги муваффақиятлар тилаймиз.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 66 (12.419) | Сешанба, 19 март 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Самимий табрик хатлари

Шонли кун — СССР билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган кунининг 15 йиллиги муносабати билан Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР ҳукумати ва халқлари номидан Болгария раҳбарлари Тодор Живков ва Димитр Ганев ўртоқлар номига мактуб юбориб, қардош болгар халқини самимий қутладилар.

* * *

Тодор Живков ва Димитр Ганев Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежневга жавоб мактуби юбордилар. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА

ЙИРИК ШАҲАРЛАР ВА САНОАТ МАРКАЗЛАРИ АТРОФИДА СУТЧИЛИК-САБЗАВОТЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ БАРПО ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида сутчилик-сабзавотчилик хўжаликлари барпо қилиш масаласини бир мақсадни кўзлаб, астойдилроқ ҳал этиш зарурлигига эътиборни яна бир марта жалб қилиб ўтмоқчиман. Бу — катта аҳамиятга эга бўлган масаладир. Биз бунинг учун ҳозирдаёқ негиз яратдик, яратганда ҳам ёмон негиз яратганимиз йўқ. Москва, Ленинград, Ростов-Дон, Донецк, Свердловск ва бошқа баъзи бир йирик шаҳарлар ёнида ихтисослаштирилган сутчилик-сабзавотчилик совхозлари барпо қилинди. Шу совхозларнинг кўпи яхши самаралар берди.

Ана шу масалада қабул қилган қарорларимиз қандай бажарилаётганини ҳозир текшириб кўрмоқ керак. Ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия ташкилотлари совхозларнинг ишларини пухта анализ қилиб, ана шу базани тезроқ мустаҳкамлаш чораларини кўришлари лозим бўладиганга ўхшайди. Сутчилик-сабзавотчилик хўжаликларининг ҳар бири ўз зиммасига юклатилган вазифаларнинг уддасидан чиқиб, ўз зонасидаги аҳолини картошка, сабзавот, сут ва маълум даражада гўшт билан таъминлаб турмоғи керак.

Сутчилик совхозларини ем-хашак билан таъминлашда, шунингдек сабзавот етиштиришда суғориладиган ерларда деққончилик қилаётган хўжаликлар Украинанинг жанубий районлари ва Шимолий Кавказ учун қандай роль ўйнашини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистонлик колхозчи Люба Лининг суғориладиган ерларда маккажўхори етиштириш соҳасидаги ажойиб тажрибаси тўғрисида яна бир марта гапириб ўтмоқ керак. Люба Ли суғориладиган участкада маккажўхорининг «днепровская-200» деган навини етиштирмоқда ва, маълумки, ҳар гектардан 2.000 центнерга етказиб силосбоп поя ҳосили олиб келмоқда. Бу ўринда умумий даъватларни майдонга ташлаш керак эмас, балки Люба Ли орттирган тажрибани чинакам ўрганиб, ана шу тажриба суғориладиган ерларда силосбоп маккажўхори етиштираётган хўжаликларда жорий қилинмоғи учун имкон бўлган ҳамма чораларни кўрмоқ керак.

Ишлаб чиқариш бошқармалари билан партия ташкилотларининг куч-ғайратларини ана шу вазифани ҳал қилишга қаратиш лозим. Улар колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволини текшириб кўришлари, энг муҳими эса одамларни ўқитишлари, суғориладиган ерларда маккажўхори етиштириш соҳасида зарур тажрибаларни эгаллаб олишда колхозчилар ва совхоз ишчиларига ёрдам беришлари керак.

Аҳолини сабзавот билан таъминлаш, сабзавотнинг ҳамма турларини етиштириш масаласи биз учун аввалгидек катта аҳамиятга эга. Сабзавотчиликка бўлган эътибор сира ҳам бўшаштириб қўйилмаслиги керак. Бунинг аксича, қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг ҳамма звеноларида сабзавот етиштиришга эътибор кучайтирилмоғи лозим.

Инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари йиғимида сабзавотнинг салмоғи каттадир ва шундай бўлмоғи ҳам керак. Биринчидан, сабзавот арзон, тўйимли ва витаминларга сероблиги туфайли гоят фойдалидир. Иккинчидан, сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва шу экинларни етиштиришни кўпайтириш учун бизда реал имкониятлар бор. Марказий Комитет сабзавотчилик хусусида зарур қарорлар қабул қилган, ана шу қарорлар қандай бажарилаётганини ҳар тарафлама текшириб кўрмоқ керак.

Парник-теплица хўжалигини ривожлантириш қиш фаслида аҳолини сабзавотлар билан таъминлаш, айниқса бодринг етиштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бодринг ва бошқа сабзавот экинларини тупроққа эмас, балки озиқлантирувчи эритмаларга ўтқазиб етиштириш усули диққатга сазовордир. Москва ёнидаги «Белая дача», «Тепличний» совхозлари, ўртоқ Иванюков директорлик қилаётган нефть тозалаш заводи ана шу усулни қўлланмоқдалар. Бу усулни қўлланганда теплицага тупроқ ташиб келтириш ва уни теплицадан олиб кетишга ҳожат қолмайди, ўсимликларни зараркунандалар ва касалликлардан муҳофаза қилиш учун жуда яхши шарт-шароитлар яратилади ва, баъзи бир мутахассисларнинг айтишларича, озиқлантирувчи эритмага ўтқазиб етиштирилган сабзавот ҳосили тупроққа ўтқазилган сабзавот ҳосилидан юқорироқ бўлади. Ана шуларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқмоқ, ҳар икки усулни қўллаб, қиш фаслида янги сабзавотлар етиштириш экономикасини таққослаб кўрмоқ керак. Қишлоқ хўжалиги органлари янги ишга кўпроқ эътибор билан қарашлари лозим.

Теплицаларни иситиш учун саноат корхоналари чиқариб ташлайдиган иссиқ сув ва буғлардан, шунингдек ер остида иссиқ сувлар мавжуд бўлган жойларда — Сибирь, Узоқ Шарқда, Кабарда-Балкар ва Дағистон АССРда ҳамда бошқа районларда ана шундай сувлардан кенгроқ кўламда фойдаланиш зарур. Бир вақтлар бу тўғрида гапирилган эди, лекин белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан ҳали ҳам зарур контроллик ўрнатилгани йўқ.

Картошка хўжалигига эътиборни бўшаштириб қўйиш ярамайди. Биз озиқ-овқат маҳсадлари учун картошкани анча кўпроқ миқдорда етиштирмоғимиз керак. Картошка етиштириш вақтида органик ўғитлардан — гўнгдан кенг фойдаланиш лозим. Чорвачилик анча мувaффақиятли ривожланаётган ва чорва моллар туёғи кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда картошка учун ажратилган ҳамма майдонларни гўнг солиб ўғитлаш имконияти бор. Бу эса картошкадан мўл, бу билан бирга юқори сифатли ҳосил олишга гарантия беради.

Картошка экинига гўнг солиш тўғрисида яна гапираётганимнинг сабаби нима? Буни гапиришимга ҳозирча минерал ўғитларимизнинг етишмай турганлигигина сабаб бўлаётгани йўқ. Баъзи бир одимлар ва практикларнинг фикрига қараганда, минерал ўғит солинган ерларда етиштирилган картошканинг таъми бемазароқ бўлади, сал нарсага заҳаланаверади, қиш фаслида яхши сақланмайди. Масалан, менга шуни айтиб беришдики, Германия Демократик Республикасидаги илмий тадқиқот муассасаларининг маълумотларига кўра, картошка экинига селитра солиб бўлмас эмиш, чунки картошканинг кўчалари заҳаланиб, сақлаш вақтида 30-40 процентигача нобуд бўлиб кетар эмиш. Ана шу олимларнинг маълумотларига кўра, ўғитда хлор моддасининг бўлиши картошка таркибидаги крахмал моддасининг камайишига сабаб бўлар, кўчаларидаги сув моддаси кўпайиб кетар, картошканинг асраш учун чидамли бўлиш хусусияти пасаяр эмиш.

Бу — картошка экини минерал ўғитлар солишга муҳтож эмас, деган маънони билдирмайди, албатта. Масалан, немисларнинг ана шу институтларида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, минерал ўғитлар таркибида магний моддасининг бўлиши картошканинг ҳосили ва сифатига баракали таъсир ўтказади. Хуллас, бизнинг олимларимиз колхоз ва совхозларга асосланган тавсиялар беришлари, гўнг асосий ўғит бўлган тақдирда қандай минерал ўғитлардан, қандай ерларга қанча миқдорда солиш кераклиги тўғрисида маслаҳат беришлари керак.

Картошка етиштириш масаласини қараб чиқар эканмиз, эртаги картошка навларини экишни кенгайтириш зарурлигига эътиборни жалб қилиб ўтмоқчиман. Бизда кўпинча шундай бўлади: колхоз ёки совхоз кечки навларни экади-да, уни эртаги навлар қатори йиғиштиради ва натижада кам ҳосил олади. Шу билан бирга, кечки навларга ҳам кўпроқ эътибор бермоқ керак, токи бу навлар ҳам мўлроқ ҳосил берсин ва қиш фаслида яхши сақланадиган бўлсин.

Биз сифатли картошка етиштиришни кўпайтирмоғимиз, озиқ-овқат учун ишлатиладиган картошка ассортиментини кенгайтирмоғимиз керак. Америкада бўлган вақтимда у ерда маккажўхори ва картошкани турли-туман маҳсулотлар тайёрлаш нақадар кенг ёйилганига ишонч ҳосил қилган эдим. Америка бўйлаб самолётда саёҳат қилган кезларимизда ҳар хил шаклда тайёрланган ва ҳар хил аччиқ-чучук нарсалар қўшилган картошкани бизга тансиқ овқат сифатида тортган эдилар. Бу — тўйимли ва лаззатли, айтар эдимки, ҳатто, ёқимли таом эди. Биз ҳаммамиз самолётда гаплашиб ўтирар эканмиз, заводда майда-майда қилиб қирқилган ва қовуриб тайёрланган картошкани ҳўзур қилиб еган эдик. Фирмалар бундай картошкани махсус упаковкада ишлаб чиқаришади, қуруқ бўлгани учун у жуда яхши сақланади. Аҳолининг аксарияти бундай арзон маҳсулотни бемалол харид қила олади. Украинада кунгабоқар билан ошқовоқ уруғи қанчалик кўп истеъмол қилинса, Америкада ҳам қуритилган, қовурилган картошка ана шундай истеъмол қилинади.

Бизда бундай маҳсулот ноёб нарса ҳисобланади, ваҳоланки, уни ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат рационига жорий қилиш учун чексиз имкониятларимиз бор.

Қисқаси бу иш ҳар ёқлама фойдалидир. Биз сабзавот-картошка хўжалигини ривожлантирмоғимиз, ҳосилдорликни оширмоғимиз, ҳосил етиштиришга меҳнат сарфини камайтирмоғимиз, сабзавот ва картошкани арзонроқ қилиб етиштирмоғимиз керак. Бу эса ана шу маҳсулотларнинг нархларини камайтиришга имкон беради. Аҳоли сифатли сабзавотни ва картошкадан тайёрланган маҳсулотларни анча кўпроқ миқдорда истеъмол қилиш имкониятига эга бўлади. Сабзавотни қиш фаслида бузмасдан асрашни яхшироқ ташкил этиш ҳамда сабзавотни консерва қилиб қўйиш усулини кенгроқ қўлланиш лозим. Мен маккажўхорини ҳам консерва қилинадиган сабзавотлар каторига киритаман. Консерва қилинган маккажўхори аслини олганда сабзавотнинг бир туридир. Консерва қилинган маккажўхорига талаб катта бўлса ҳам, афсуски, уни оз миқдорда тайёрлаб келмоқдалар. Шаҳарларнинг аҳолиси қанча миқдорда истеъмол қила олса, консерва қилинган маккажўхорини ана шунча миқдорда тайёрламоқ керак. Маккажўхори яхши униб ўсадиган, юқорироқ ҳосил берадиган зоналарда маккажўхорининг думбуллик пайтида ё сўта ҳолича, ёки донини ажратиб ундан консервалар тайёрлайдиган корхоналар қуриш лозим, консервани қандай шаклда тайёрлаш технологиясини истеъмолчининг талабларига мослаштириб мутахассислар белгилаб беришлари керак.

Лекин маккажўхоридан консерва тайёрлаш — ана шу экиндан озиқ-овқат учун фойдаланишнинг бир жиҳатигина, холос. Маккажўхори энг турли-туман ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун катта имкониятлар очиб беради. Маккажўхоридан озиқ-овқат учун кенг фойдаланиш мақсадида худди ана шу энг сермаҳсул экинга эътибор бериш лозим. Биз маккажўхорини озиқ-овқат мақсадлари учун қайта ишлайдиган саноатни барпо қилмоғимиз зарур. Қўшма Штатлар — энг бой капиталистик мамлакат бўлиб, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари керагидан ортиқча етиштирилмоқда. Айни маҳалда озиқ-овқат учун маккажўхори истеъмол қилиш Қўшма Штатларда энг юқори процентни ташкил қилади. Америка ва Англияда кўпгина одамлар нонушта деса — аввало корнфлексни тушунишади. Хўш, корнфлекс дегани нима ўзи? Бу — дони юпқа кесиб майдаланган маккажўхори варақисини сутга қўшиб тайёрланган таомдир, шу билан бирга витаминлар қўшилади. Бизда эса маккажўхори ниҳоятда оз миқдорда истеъмол қилинмоқда, чунки саноат зарур маҳсулотларни ишлаб чиқармаяпти.

Яна бир карра такрорлаб айтаманки, ошхоналар, ресторанлар, кафелар орқали маккажўхорини озиқ-овқат ассортиментига жорий қилмоқ керак. Жорий қилиш керак деган сўзнинг маъноси нима? Бу шунчаки, даъват қилиш эмас. Маккажўхоридан ҳар хил маҳсулотлар тайёрлашни ташкил қилиш лозим, токи бу маҳсулотлар лаззатли бўлсин, бу маҳсулотлар ошхона, ресторан, магазинларда етарли миқдорда муҳайё бўлсин, маккажўхорини қилинган маҳсулотлар арзон бўлсин.

Лекин маккажўхоридан тайёрланадиган маҳсулотлар арзон бўлмоғи учун деққончилик маданиятини кўтариш, ҳосилдорликни кўтариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш керак. Шундай аҳвол вужудга келтириш зарурки, маккажўхори ва картошкадан тайёрланган маҳсулотларнинг нархлари истеъмолчи учун иложи борича арзон бўлсин, лекин шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш зарар келтирадиган бўлмасин.

Картошка ва маккажўхори ишлаб чиқариш ҳозирдаёқ ана шу экинлардан озиқ-овқат товарлари ассортиментини кенгайтириш учун тағин ҳам кўпроқ фойдаланишимизга имкон беради. Лекин аслини олганда, истеъмолчилар учун картошка ва маккажўхоридан керакли маҳсулотларни қайта ишлаб чиқаралиган яхши корхоналаримиз йўқ. Шу сабабдан, такрор айтаманки, биз маккажўхори ва картошкадан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий саноатни барпо қилишни ўз планларимизда кўзда тутмоғимиз зарур. Госплан ва Халқ хўжалиги кенгашига шу масалани ўрганиб, натижасини Марказий Комитетга айтиш вазифаси топширилса, яхши бўлур эди.

Н. ХРУШЧЕВ.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ, Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида дон экиш тез суръатлар билан олиб борилаётир. Тракторчи Салоҳиддин Нишонов ҳар куни 50 гектардан кўпроқ ерга дон экмоқда. СУРАТДА: дон экиш пайти.

Н. Глауберзон фотолари.



ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ
Невинномисск химкомбинатида

НЕВИННОМИССК (Ставрополь ўлкаси). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев 17 мартда Шимолий Кавказдаги энг катта Невинномисск химия комбинатини бориб кўрди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев, СССР Госплани ҳузуридаги Химия давлат комитетининг раиси Н. К. Байбаков комбинатга Н. С. Хрушчев билан бирга келишди.

Никита Сергеевич Хрушчев ва бошқа меҳмонлар комбинатни кўздан кечирдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ишчилар, инженерлар ва техниклар билан дўстона суҳбатлашди.

Н. С. Хрушчев химия комбинатини кўриб бўлганидан кейин, Ставрополь ўлкасидаги Правоегорлик суғориш системасининг асосий артерияси бўлган Невинномисск магистрал каналининг бош тўғонини кўздан кечирди.

Невинномисск шаҳрининг минглаб аҳолиси вокзалда ўртоқ Н. С. Хрушчевни самимий кузатиб қолди. (ТАСС).

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

„ОРЗУ“НИНГ ТУҒИЛИШИ



Улкан корпуснинг баҳаво бағри сон-саноқсиз машиналар, станокларнинг шовқини билан яшаяпти. Футбол майдонининг қариб иккитасига тенг келадиган бу корпусда ҳаёт ҳамиша гавжум ва завқли. Корпуснинг бутун майдонини қувват ва контроль кабеллар цехи эгаллаган.

Фарид Ҳасанович Камаев ўзида йўқ хурсанд. У юксак тезликда ишлаётган поток автомат линиянинг ҳаракатини завқ билан кузатар экан, нимандир хотирлаб, мийиғида кулиб қўяди ва бизга юзланиб гап бошлади:

— Коллективимиз яратган ажойиб машина — поток автомат линия мана шу. Меҳнатимиз зое кетмади. Ахир бу машинани яратишга киришилган дастлабки пайтларда баъзилар бирон иш чиқишига ишонишмаган эди. Лекин биз орзумизни амалга ошириш учун дадил «жанг» қилдик.

Янгилик учун, автомат линия яратиш учун кураш бошлаганларни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Ҳатто москвалик мутахассислар ҳам кабелчиларга ёрдамга келишди. Моҳир ихтирочилардан Юрий Бурштейн ва Николай Харламовлар автоматик линия яратишга раҳбарлик қилдилар. Ўйлашга, фикрлашга, изланишга неча кунлар ва ойлар сарф бўлдиМеҳнат ва ижод ажойиб якун топди! Машина яратилди. Орзу енгди!

Ҳа, орзу енгди. Поток линия проектдаги қувват билан шиддаткор ҳаракатда! Хўш, бу ажойиб машинанинг хосияти нимада? Биринчи галда шуни айтиш керакки, линия беш хил технологик операцияни бирйўла ўзи бажаради.

Ахир, бу технологик операциянинг ҳаммасини айрим-айрим ҳолда бажарилишини кўз олдингизга келтириб кўрингчи! Операцияларда кўплаб ишчи кучининг банд бўлиши, иш жойининг қанчадан-қанча майдонни эгаллаши, операциялар ўртасидаги ярим фабрикат маҳсулотларнинг жойларни банд қилиб ётиши эндиликда тугади.

Масалан, телеграф-блок кабеллари учун сим тайёрлаш поток линияда ишланишга кўчгандан сўнг юксак тезликка эришилди. Ҳар бир минутда 720 метр сим ғалтакларга ўралаяпти. Линияда фақат икки ишчи — сим тортувчи билан прессловчи ишчи хизмат қилади. Илгари эса худди шу операцияни 9-10 киши бажарар эди. Илгари эса, илгор ишчи бутун бир смена давомида 90-100 метр сим тайёрласа катта ютуқ ҳисобланарди.

Химия мўъжизаси кабелчиларга ҳамкорлик қиляпти. Ижод қилинган янги линияда телеграф-блок кабелларининг устки қисми полиэтилен ва полихлорвинил билан ўралаяпти. Илгари магзига қоғоз сингдирилган изоляциялар билан ўрадиб, қобиғини қўрғошин билан қопланар эди. Қанчадан-қанча ортиқча меҳнатни, қанчадан-қанча қимматли ашёларни сарф қилишга тўғри келарди. Жумладан, ҳар бир километр кабель учун ўрта ҳисобда юзларча килограмм қўрғошин сарф бўларди. Бу арзон химия моддаси — полиэтилен билан алмаштирилди. Завод «СОБ» маркали кабелнинг ўзидан янги хил изоляция ишлатиш ҳисобига икки ярим ой ичида 2.300 тонна қўрғошин тежаб қолди.

«Ташкенткабель» заводининг коллективи поток автомат линиялар яратиш ва уни ишга туширишда мамлакат кабель заводлари ичида байроқдор бўлиб чиқди. Ҳозирнинг ўзидаёқ корхонада автомат линия туфайли 6.111 минг сўм иқтисодий фойда олинди. Линия бир йил ичида телеграф-блок кабеллари учун 20 минг километр сим тайёрлаб бериш қувватига эга! Ҳа, 20 минг!

Корхонанинг ажойиб ижодкор кишилари яна қандай режаларни амалга ошириш орзусида эканликларини билишни истарсиз. Ҳа, уларнинг режалари катта. Улар автомат линиянинг иш унумини янада оширишга учун курашмоқдалар. Шу йўл билан янада кўпроқ қўрғошин тежаб қолинади.

Шу кунларда коллектив янги поток автомат линияларни ишга солиш соҳасида мунтазам иш олиб бормоқда. Контроль телефон симлари ҳамда шнурлар ишлашни автомат линиялар зиммасига юклаш устида ижод қилинмоқда. Яқин кунлар ичида қувват ва контроль кабеллари корпуси бағрида контроль кабеллари учун симлар тайёрловчи яна тўртта автомат линия гуруллайди. Автоматлар яратишда бутун завод коллективининг ҳиссаси бор.

Фарид Ҳасанович яратилган автоматнинг исмини «Орзу» деб атабди. Бу исмнинг қўйилишига ҳеч ким қарши чиқмади. Чунки у аввало орзу бўлиб туғилган-да. Орзунинг ўсиши, такомиллашиши, камолотга етиши, ниҳоят забардаст кучга айланиши табиийдир.

Я. ТУХТАЕВ.



Суратларда: (юқорида) телеграф-блок симлари ишлайдиган поток-ли автомат линияни яратишда иштирок этган ижодкорлардан технолог **В. НИКОЛАЕВА**, слесарь **В. КОЖАРИН**, прессловчи **В. САМОРУКОВА**, электрик **В. ВОЛКОВ**, прессловчи **В. КОЛДАЕВ** ўртоқлар ва (пастда) поток-ли автомат линия.

В. Артимонов ва **В. Свартовский** фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

СИЁСИЙ АКТИВЛИК

17 март якшанба куни Грузия, Озарбайжон, Литва, Қирғизистон, Арманистон ва Эстонияда катта ва қувончли байрам бўлди. Шу куни бу республикаларда иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ҳамда меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига сайловлар ўтказилди.

Ҳамма жойда овоз бериш КПСС тарихий XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари натижасида вужудга келган эр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида ўтди.

... Тбилиси шаҳрининг Энгельс сайлов округи. Бу ерда сайловчилар Грузия ССР Олий Советининг депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Василий Павлович Мжаванадзе, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг депутатлигига ёзувчи М. Бараташвили, композитор Д. Торадзе, ўқитувчи А. Алексеева ва бошқаларнинг номзодлари учун яқдиллик билан овоз бердилар.

Каспий денгизининг суви устида қурилган машҳур Нефть Тошлари шаҳарчасининг эстакадасида ҳаваскор духовой оркестр музикасининг садолари янграй бошлаганида, ҳали тонг ёришмаган эди. Нефтчилар, бинокорлар ва денгизчилар ўзларининг гражданлик бурчларини адо этмоқ— Озарбайжон ССР Олий Совети ва республика маҳаллий Советларининг депутатлигига номзодларни ёқлаб овоз бермоқ учун ранг-баранг байрам чироқлари билан товланиб турган Маданият саройига кела бошладилар.

Жонгимрон қишлоғи баланд Толиш тоғларининг устида жойлашган. Эрталаб соат 6 да сайлов участкаси олдида сайловчиларнинг катта группаси тўпланди. Қишлоқнинг энг кексаси бўлган 158 ёшли Шерали Муслимов сайлов участкаси олдида турган одамлар ёнига келди. Ҳамқишлоқлар иззат-ҳурмат қилиб унга йўл бердилар.

Литва Олий ва маҳаллий Советларига сайловлар ҳамма жойда катта ва қувончли байрамга айланди.

Қирғизистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларига сайловлар Қирғизистон Россия составига ўз ихтиёри билан қўшилганлигининг юз йиллик байрамига тайёргарлик бошланган вақтга тўғри келди.

Ереван Завод округи сайловчилари орасида биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Амирханян овоз берди.

17 мартда Ленинаканда, Кировоканда, Разданда, Иджеванда яқинда Бирлашган Араб Республикаси, Эрон ва Кипрдан Ватанга қайтиб келган юздаб арманлар сайловларда қатнашди.

... Таллин машинасозлик заводининг клубидаги 30- сайлов участкаси. Бу участкада корхона ветерани, 1917 йилдан партия аъзоси Ян Кристьянович Томсон биринчилар қаторида овоз берди.

Университет шаҳри бўлган Тартуда, сланец саноатининг маркази Кохтла-Ярведа, энергетиклар ва тўқимачилар шаҳри бўлган Нарвада овоз бериш сиёсий активлик ғоят юксалган вазиятда ўтди. (ТАСС).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НУКУС. (ЎзТАГ). Олтинчи чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлди.

Сессия Автоном республика Олий Совети Президиумини сайлади. Депутат Давлат Ешимбетов иккинчи марта Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси қилиб сайланди.

Олий Совет Қорақалпоғистон АССР ҳукуматини тузди. Ережеп Айтмуротов — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси.

Сессияда депутат Е. Айтмуратовнинг «Қорақалпоғистонда ҳутор системасини тугатиш ва янги посёлкалар қуриш тадбирлари тўғрисида»ги доклади муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг сессиялар ўртасидаги даврда қабул қилган фармонлари тасдиқланди.

ОТАЛАРЧА ҒАМХЎРЛИК

„Мен партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви вақтида Никита Сергеевич Хрушчев нутқини эшитганимда ўзим учун ва қаламкаш ўртоқларим учун ифтихор ва қувонч туйғулари билан тўлиб-тошган эдим, — деди Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбирига шоира Зулфия. — Коммунистик партия ижодий интеллигенция ҳақида, унинг ўсиши тўғрисида шу қадар катта ғамхўрлик кўрсатмоқда!

Кремлдаги Свердлов залида 8 мартда нутқни тинглаб ўтирар эканман, партия инсон туғилган кундан бошлабоқ унинг ҳақида оталарча ғамхўрлик кўрсата бошлашини ўйладим. Бола хато қилса, отаси уни тўғри йўлга солиб юборади. Ўзбекларда болани ёшлигидан тарбияласанг катта бўлганида дорда қолмайсан, деган гап бор. Коммунистик партиямиз ҳам ижодий кишилар ҳақида худди шундай ғамхўрлик қилмоқда. У, ёшларнинг камчиликларини кўрсатмоқда, етук ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, артистлар фаолиятига йўл-йўриқ бермоқда.

Соғлом танда иллат бўлиши-га чидаш мумкинми, ахир? Партия икки идеология — буржуа идеологияси ва социалистик идеологиянинг «тинч-тотув яшашини» қатъий равишда рад этмоқда. Биз ижодий интеллигенция вакиллари социалистик маданиятимизга, халқ манфаатларига жавоб бермайдиган формалистик асарларнинг кириб қолмаслиги учун ҳамма чораларни кўришимиз керак. Ўзбекистон ёш шоирларининг ижодида баъзан тақлидчилик, умидсизлик кайфиятлари учраб қолади. Лекин кекса авлод адиблари бу хатоларни кўрсатиб, уларни тузатишда ёрдам бермоқда. Лекин бундан ёзувчиларнинг ёш ва кекса авлоди ўртасида келишмовчилик бор, деган маъно келиб чиқмайди. Ўзбек қалам усталари ўзларига муносиб ўринбосарларини тайёрламоқдалар, улар социалистик реализм байроғини юксак кўтариб бора оладилар.

ЗАМОНАМИЗНИ АКС ЭТТИРУВЧИ АСАРЛАР КУТАМИЗ

Н. С. Хрушчев партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида сўзлаган ёрқин нутқи театримиздаги ҳамма ходимларни астойдил ҳаяжонга келтирди. Бу нутқ адабиёт ва санъатдаги асосий қоида чуқур ғоявийликдан иборат эканлигини яна бир марта эслатиб турибди.

Биз турмушнинг асл ҳўжайинлари — меҳнат аҳлининг ёрқин, унутилмас образларини яратишимиз керак. Биз театр ходимлари совет халқи олдида катта қарздормиз. Биз саҳнада замондошларимизни ҳали ҳам кам кўрсатмоқдамиз. Бунинг учун қаҳрамонона кунларимиз ҳақида кам асар ёзаётган драматурларимиз ҳам айблидир. Менингча, драматурглар ва театр ходимлари ўз пьесаларида порлоқ келажак қураётган кишиларни акс эттиришлари, замонамизга муносиб асарлар яратишлари керак.

Мақсуд МАНСУРОВ,
Қўқон халқ театрининг режиссёри.

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР УЧУН ЯНГИ ТЕХНИКА

СССР Министрлар Совети «Союзсельхозтехника» бирлашмасининг раиси А. А. ЕЖЕВСКИЙ билан суҳбат

□ □

ТАСС обзорчиси СССР Министрлар Совети «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмасининг раиси А. А. Ежевскийга мурожаат қилиб, колхоз ва совхозлар учун саноат ишлаб чиқараётган янги техника хусусида бир қанча саволлар берди.

Савол. Қишлоқ хўжалиги учун янги машиналар яратиш соҳасидаги техника сиёсатимиз нимадан иборат?

Жавоб. Бу саволга жавоб беришдан аввал техника сиёсатимизни ҳал қилувчи даражада белгилаб берадиган энг муҳим факторларни кўрсатиб ўтмоқ керак.

Масалан, башарти биз бундан бўён ҳам тракторларнинг (қуввати жиҳатидан) мавжуд типларини ишлаб чиқара берадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигининг интенсификация қилиниши муносабати билан мамлакатнинг трактор парки яқин йиллар ичида қарийб уч баравар кўпайиши кераклиги жуда пухта ҳисоблаб чиқилди.

Лекин, Никита Сергеевич Хрушчев ўз нутқларида неча марта таъкидлаб ўтганидек, трактор паркининг қувватини уч баравар кўпайтириш вазифасини ҳал қилишнинг бошқа йўли — иқтисодий жиҳатдан кўп баравар мақсадга мувофиқроқ йўли ҳам бор.

Савол. Агротехника талабларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш шартларига путур етказмаган ҳолда, дала ишларида машиналарнинг ишлаш тезлигини қай даражада ошириш мумкин, деб ҳисобланмоқда?

Жавоб. Соатига 3,5-6 километр ўрнига 7-10 километр атрофидаги тезликка кўчиш мумкинлиги ҳозиргаёқ исбот қилинди. Келгусида тезликни 10-15 километргача етказиш мумкин, аммо бунинг учун махсус машиналар яратмоқ керак. Тезликни ошириш билан бир қаторда бу ишни кенг қаторларда ишлайдиган машиналардан фойдаланиш билан тўғри боғлаб олиб бориш — дала ишларида меҳнат унумдорлигини кескин оширишнинг омилидир.

Бироқ, тезкор ишлашга мослаштирилган кучли тракторларнинг бўлиши бунинг биринчи шарти ҳисобланади.

Савол. Ана шундай тракторларни ишлаб чиқариш учун ҳозир қандай чоралар кўрилмоқда?

Жавоб. Матбуотда хабар қилингачидек, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ленинграддаги Киров заводида 220 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу йил ана шу заводда машиналарнинг кичик бир туркуми тажриба тариқасида тайёрланиб, ишлаб чиқариш шароитида давлат синовидан ўтказилади. 1964 йилда ана шу тракторларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришилади.

Ҳозир бу тракторга тиркаладиган ва тупроқни ишлайдиган машиналар яратилмоқда. Ана шу машиналар ҳам келгуси йилдан бошлаб ишлаб чиқарилади.

Савол. Бошқа трактор заводлари қандай машиналар ишлаб чиқаради?

Жавоб. Волгоград трактор заводи 75 от кучига эга бўлган «ДТ-75» маркали «тезюрар» тракторларни ўтган йилиёқ унча кўп бўлмаган миқдорда ишлаб чиқара бошлаган эди. Лекин волгоградликлар ҳали ҳам «ДТ-54» тракторини ишлаб чиқаришни давом эттириб, бу трактор билан хайр-маъзур қилишни жуда кечга суриб юбордилар. Завод йилнинг иккинчи ярмидагина янги машиналар ишлаб чиқаришга батамом кўчади.

1946 йилдан буён битта моделдаги машинани, яъни «ДТ-54» тракторини ишлаб чиқариб келаётган Олтой заводи 100 от кучига эга бўлган двигатель ўрнатиш мўлжалланган янги, кучлироқ «Т-4» тракторини ишлаб чиқаришга ниҳоятда сусткашлик билан ҳозирлик кўрмоқда.

Минск заводи 55-60 от кучига эга бўлган двигателли «МТЗ-50» тракторларини ишлаб чиқаришга босқичмабосқич кўчиб бошлади. Аммо, бахтга қарши «кўчиш» даври ниҳоятда кечга сурилиб кетди. Бу ҳол шунинг учун айниқса номатлубки, завод ишлаб чиқараётган гибрид-тракторларнинг запас қисмлар билан таъминлаш жуда қийин бўлади.

Липецкдаги завод ўтган йили қирқ от кучига эга бўлган ғилдиракли тракторларни ишлаб чиқаришга кўчди. Харьков заводи 130 от кучига эга бўлган ғилдиракли тягачларни ишлаб чиқаришга яқин йилларда киришмоқи керак.

Савол. Пахтакорлар учун махсус янги тракторлар яратиш кўзда тутиладими?

Жавоб. Ҳа. Ҳозир пахтачиликда 30 от кучига эга бўлган чопиқ тракторидан ҳамда 4 қаторли сеялкалар ва қатор орасини ишловчи машиналар системаси ишлатиб келинмоқда. Лекин ишлаш тезлиги юқори бўлган, 6 қаторли машиналар системасига тиркаб ишлатиладиган ва 50-60 от кучига эга бўлган тракторларни жорий қилиш кўзда тутилади. Бу эса меҳнат унумдорлигини тахминан бир ярим баравар оширади.

Савол. Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини 22 процентдан энг ўстириш планлаштирилган. Бу — катта ўсишдир. 325 мингта (физик бирлик ҳисобида), яъни ўтган йилдагидан 37 минг кўп трактор ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалик механизаторлари учун ҳозирги энг замонавий техника билан таъминлаш учун куч ва маблағларни аямасдан сарфламоқдалар. 1963 йилда қишлоқ хўжалик

Сирдарё олтин водийга айланади

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ БУ ЙИЛ ГЕКТАР БОШИГА 22,8 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИБ, ДАВЛАТГА 414 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» СОТАДИ

МАРРА—45 ЦЕНТНЕР

Мен бир неча йилдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Бригадамиз аъзолари об-ҳаво ноқулай келган, сув камчил бўлган ёки бошқа қийинчиликларга дуч келинган йилларда ҳам пахта тайёрлаш планини бажариб келяпти. Ўтган йили 217 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,4 центнердан «оқ олтин» етиштириб, социалистик мажбуриятимизни бажардик. Ҳосилдорликда «Пахтаорол» совхозидагина эмас, балки шу зонадаги пахтакор хўжаликлар орасида олдинги ўринлардан бирини эгалладик.

Бизнинг пахта майдонимиз ҳам Мирзачўл ерларининг бир қисми бўлиб, зах сув анча юза жойлашган, шўр босган. Биз йил ўн икки ой сизот сув ва шўрга қарши курашамиз. Бу йил гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш ҳақида мажбурият олдик. Сўзимизнинг устидан чиқиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширдик.

Бригадага қарашли территориядаги зовурлар чуқур қазилиб, зах сув қочириляпти, ариқлар сувнинг равон оқишига мослаштирилди. Экин майдонларида 65-70 сантиметр баландликда марза олиб, икки марта шўр ювиш ўтказдик. Етилган ерга чиритилган гўнг сепиб, бороналаб қўйилди. Чиритилган ва ер юзасига қалин сепилган гўнг намни парланишдан сақлайди.

Ўтган йили ҳосилдорликни янада оширишимиз мумкин эди. Аммо ғўзани авжи озиқлантириш вақтида чиритилган гўнг етмай қолди. Бу йил ана шу камчиликнинг олдини оляпмиз. Ҳар бир карта бошида чуқур қазиб, бир гектар ер ҳисобига қўшимча 8 тоннадан гўнг чиритяпмиз. Фермаларда, қўй боқилаётган қирда гўнг кўп. Ҳозир аъзоларимизнинг бир қисми ана шу муҳим иш билан шуғулланяпти. Чигитни қайси схемада экишни келишиб олдик. Биз ҳамма майдонларга 60Х60 сантиметрли схема билан чигит экиб, ҳар гектар ерда 110 минг туп кўчат бўлишини таъминлаймиз. Бу йил тўла гектар ва тўла кўчат сони учун кураш — мўл ҳосил учун кураш, деб эълон қилдик.

Пахтачилик бригадаси ҳосилнинг тақдирини ҳал қилувчи участкадир. Бригадир эса бригада аъзоларини ғалабага бошлаб борувчи байроқдордир. Деҳқон тили билан айтганда бригада фаолиятининг миридан-сиригача бригадир жавоб беради. Шундай бўлгач, у етти ўлчаб бир кесиши, кўпчиликнинг диққат эътиборини пахтадан юқори ҳосил етиштиришга йўналтириб бориши, илғорлар тажрибаси, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этишда принципиал бўлиши, мардлик кўрсатиши керак. Шу ўринда бир мисол келтираман.

Чигитни квадрат-уялаб экиш, ғўза парваришини механизмлар воситасида икки томонлама ўтказиш ҳақида гап борганда мен ҳам бир оз иккиландим. Аммо кейин шу қилмишимга пушаймон бўлдим. Эндиликда чигитни уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган сеялкаларда экиш яхши натижа бериши исботланди. Шундай бўлгач уни сира иккиланмай қўллашимиз керак. Биз бу йил камида 50 процент майдонга шу усулда чигит экамиз. Пахтани 100 процент машинада териш ҳақида кўп гапирамиз-у, аммо тўла амалга оширмаяпмиз. Бундай ҳолга қаттиқ барҳам бериш керак. Сирдарё областида, хусусан янги совхозларда ишчи кучи кам. Шу сабабли машинага катта умид боғлашимиз керак.

Чигит экишга саноқли кунлар қолди. Ҳар биримиз ўз участкамизни яна бир карра кўздан кечириб чиқишимиз, учраган камчиликни тезда бартараф этишимиз лозим. Биз тупроқда ҳарорат 12-13 даражага етиши билан чигит экишни бошлаймиз ва бу муҳим ишни бир ҳафтада сифатли қилиб тамомлаймиз.

Қ. ЖЎРАЕВ,
Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Пахтаорол» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи.



«Ударник» совхозининг илғор кишилари. Суратда (чапдан): бузоқ боқувчи А. ҚОДИРОВА, бош зоотехник Ф. ЭШОНҚУЛОВА ва қўйчилик бригадири З. КУРТАЛИЕВА ўртоқлар.

ЕТТИ ЙИЛЛИК МАРРАСИДАН ЎТИБ...

«Заря коммунизма» колхози Киров ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Бу ерда гектаридан 35-40 центнердан ҳосил олаётган пахтакорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Мен бошлиқ бригада етти йиллик бошидан буён ҳар йили гектаридан ўртача 46,5 центнердан ҳосил олмоқда. Бу йил режамиз янада улканроқ, ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганмиз. Ҳозир бутун кучни ишга солиб, кўклам чигит экиш кампаниясига тайёргарликни тугалламоқдамиз. Пахта ери кузда шудгорланган. Ҳар гектар ерга 10-12 тонна чиритилган гўнг солиб бороналадик. Ариқ-зовурлар қазилди, шўр босган майдонлар 3-4 марта ювилди.

Биз бу йил чигит экишни 6 иш кунида тамомлашга қарор қилдик. Шу мақсадда универсалчи, экипаж аъзоларининг амалий машғулоти ўтказилди. Қайси картада чигит экиш қачон бошланиб, қачон тамомланиши, экиш схемаси белгилаб чиқилди.

Бригадамиз аъзолари гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш ҳақидаги мажбуриятини шараф билан бажариш учун астойдил меҳнат қиладилар.

НИКОЛАЙ ЛИ,
Киров ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Заря коммунизма» колхозининг бригада бошлиғи.

РАҲБАРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ АМАЛДА

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Россия Федерациясидаги колхоз - совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари ва бошқарма бошлиқларининг кенгашида сўзлаган нутқида бундай деди:

«Ҳозир партиямиз колхоз ва совхозларни бошқаришнинг яхши формасини топди, деган фикрга сизлар қўшиларсизлар деб ўйлайман. Ишлаб чиқариш бошқармалари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари янги шароитда ҳар қайси хўжаликдаги ишлаб чиқаришни моҳирлик билан ташкил этиш, колхоз ва совхозларнинг бой имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш учун катта имкониятларга эгадирлар».

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бу сўзлари бизнинг ишлаб чиқариш бошқармамиз партия ташкилотига ҳам тўла тааллуқлидир. Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ўз фаолиятини кун сайин кучайтириб, раҳбарлик услубини такомиллаштираётир. У партия, комсомол, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, коммунистларни ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларига тўғри жойлаштириш, кадрларни юксак талабчанлик, топширилган иш учун масъулият ҳис этиш руҳида тарбиялашни асосий вазифаси деб билади. Биз коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммасининг қалбига йўл топиш, уларни КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришда ташаббускорлиги ва активлигини оширишга катта эътибор беряпмиз. Партия Комитети ходимлари доимо омма орасида, колхоз ва совхозларда, партия ташкилотларида бўлиб, мураккаб вазифаларни оператив тарзда ҳал этишда амалий ёрдам беряпти, раҳбарлик практикасида одамларнинг ижодкорлигини ошириш муҳим ўрин тутяпти, партия ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбар ходимларининг ишчанлик ва ташкилотчилик кобилиятларини оширишга алоҳида эътибор беряпти. Бусиз 1963 йилда бошқарма олдида турган вазифаларни бажариш қийин.

Бошқарма колхоз ва совхозлари етти йилликнинг тўрт йилида давлатга пахта сотиш топшириғини тўла бажарди. Хўжаликларнинг экономикаси мустаҳкамланди, меҳнаткашларнинг моддий-маданий фаровонлигини оширишда, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, маданий қурилишни авж олдириш соҳасида анча муваффақиятларга эришилди.

Бироқ, етти йилликнинг тўртинчи босқичи — 1962 йил қониқарсиз якунланганини ачиниш билан қайд қиламиз. Бошқарма бўйича пахта тайёрлаш плани бажарилмади. 1959 йилда гектаридан 30 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1962 йилга келиб ҳосилдорлик 17,2 центнерга тушиб қолди. Жданов номли, «Ўзбекистон», Ленин номли колхозлар айниқса давлатдан кўп пахта қарздор бўлиб қолди.

Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг чақириғи барча меҳнаткашлар орасида кенг муҳокама қилиб чиқилди. Бу йил бошқарма бўйича 35 минг тонна пахта етиштириш ҳақида социалистик мажбурият қабул қилинди, ёки ялпи пахта ҳосилини 12,5 минг тонна кўпайтиришимиз керак. Бунинг учун барча шарт-шароит ва имкониятлар бор. Биз меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиб, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 5423 тонна қўшимча пахта олишга қарор қилдик.

Бошқарма партия комитети меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини бу йил 6370 тонна гўшт, 6679 тонна сут, 95700 дона қоракўл тери, 36 минг 690 тонна дон ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришга қаратаётир. Меҳнаткашлар орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар ана шу мақсадга бўйсундирилди. Идеология соҳасида ишлаётган 500 дан ортиқ лектор, сиёсий докладчи, агитатор, пропагандист 1963 йилда бошқарма коллективи олдида турган вазифаларни пропаганда ва агитациянинг турли форма ва методлари орқали меҳнаткашларнинг онгига сингдирмоқда, уларни коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этмоқда.

Бошқарма коллективи хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш учун ҳамма чора-тадбирларни кўради.

Ғ. ИБРОҲИМОВ,
Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари.

ЧОРВАДОРЛИК ШАРАФИ

Ҳар ким ўз касбини севади. Менинг касбим чорвадор — чўпон. Ҳамма вақт чорвадорлик шарафини қадрлаш ҳақида ўйлайман, гўшт, ёғ, қоракўл тери, жун етиштиришни кўпайтириш учун яна нималар қилиш кераклиги ҳақида бош қотираман.

Бундан беш-олти йил муқаддам мен ўз боқимимдаги ҳар 100 бош совлиқдан 105-110 қўзи олар эдим. Чунки совлиқларни сунъий урчитиш усулини қўллашга райим йўқ эди. Илғор тажрибалар мактабида ўқишда қатнашиб, бу усулнинг афзалликларини тушундим. 1960 йилдан бошлаб 670 бош совлиқнинг ҳар 100 тасидан 183 бошга етказиб қўзи олмоқдаман. Бу йил эгиз қўзи олишни 185 бошга етказаман. Мен отарим бўйича қўзи олишни бир йилда 450-460 бош кўпайтирдим. Бу меҳнаткашлар учун кўплаб гўшт, ёғ, енгил саноатимиз учун кўплаб жун етказиб бериш демакдир. Ҳамма чўпонлар совлиқларни СЖК препарати воситаси билан қочириш усулига кўчгани маъқул. Шундай қилинганда пахтачиликда салмоқли ўрин тутган Сирдарё областимизнинг шуҳратини чорвачиликда ҳам оширамиз.

Ҳозир барча хўжаликларда қўзилатиш кампанияси қизғин кетяпти. Биз бу қисқа муддатли кампанияни ташкилий томондан уюшқоқлик билан ўтказишимиз керак. Давлатга қоракўл тери етказиб бериш планини сўзсиз бажариш билан бир қаторда совлиқларнинг наслини янада яхшилаш чораларини кўришимиз зарур. Соғлом, бакувват, бенуқсон туғилган қўзиларни насл учун асраб қолишимиз керак.

Мен бу йил ўз боқимимдаги ҳар 100 бош совлиқдан 185 тадан қўзи, 4 килограммдан жун оламан, қоракўл терининг 95 процентини биринчи сортга топшираман. Бу билан Сирдарё областининг чорвачиликдаги шуҳратини оширишга ҳисса қўшаман.

Ж. СУТТИБОЕВ,
Славянский совхозининг бош чўпони.

АРЗОН ГЎШТ

СИРДАРЁ, («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири). «Коммунизм» колхози чорвадорлари молларни яйловларда эркин боқиб, бўрдоқи ва сўқим гўшти етиштиришни кўпайтиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Қиш илиқ келиши, баҳор эрта бошланиши туфайли Олмачи, Ёйилма, Қалия яйловларида кўк ўт сероб бўлди. Чўпон-чўлиқлар, молбоқарлар қулай фурсатдан самарали фойдаландилар, 1,5 минг бошдан зиёд чорва мол сўқим ва бўрдоқига боқилди. Натижада шу йилнинг биринчи кварталида давлатга пландаги 25 тонна ўрнига 35 тонна гўшт сотилди.

Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Москва», «Зарафшон», Энгельс номли колхозлар ҳам чорва молларни яйловларда эркин холатда боқиб, гўшт етиштиришни кўпайтиришда яхши кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Областнинг барча чорвадор хўжаликларида бу усул кенг қўлланилмоқда. Натижада гўшт етиштириш кўпайиб, маҳсулотнинг таннархи арзонга тушмоқда.



Суратда: «Қизил чорвадор» совхозининг бош чўпони О. ЭГАМБЕРДИЕВ. У ўз боқимидаги 784 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 140 тадан қўзи олишга аҳд қилган. И. Глауберзон фотолари.

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

Мирзачўлнинг юраги — Янгиерда қурилиш ва ободончилик, совхозларда янги ер ўзлаштириш ишлари комплекс тарзда, тезкорлик ва юқори индустрия методи асосида олиб бориляпти.

Янги ўзлаштирилаётган ерларда тупроқ структурасини яхшилаш, унинг унумдорлигини ошириш мақсадида Ўрта Осиёда биринчи марта темир-бетон лотоклар ва ёпиқ асбоцемент қувурлар ўрнатиляпти.

Янгиерда 8-10 минг гектар суғориладиган майдонга эга бўлган йирик совхозлар ташкил қилинмоқда. Бу илгариги совхозларга қараганда деярли икки-икки ярим баравар каттадир. Марказий участкада қурувчилар ва ҳужумкорлар учун ҳамма қулайликларга эга бўлган маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда.

Мирзачўл ерларини тўла ўзлаштириш учун шиддатли ҳужум бошлангандан буён ўтган қисқа фурсатда катта ишлар қилинди. 600 километрга яқин автомобиль йўли, 190 километр темир йўл қурилди, 300 километрдан зиёд масофага электр сими тортилиб, 300 километр узунликда водопровод трубаси ётқизилди. Янги ўзлаштирилаётган ерларга сув етказиб бериш мақсадида 376 километр узунликда лоток ўрнатилди, 485 километр коллектор тармоқлари орқали сизот сув қочириляпти, 269 километр масофага ёпиқ қувур кўмилди.

Мард комсомол-ёшлар қақраб ётган чўлни ўзлаштириш, унинг бағрида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўтган қарийб етти йилда ҳужумкорлар 51 минг 600 гектар ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдилар.

Ўтган давр изланиш, яратиш, қуриш ва обод қилиш даври бўлди. 321,5 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 19 мактаб, 39 болалар муассасаларида қурувчиларнинг ўғил ва қизлари таълим олмоқда. Ҳар бир совхозда кўп ўринли клуб, ошхона, магазин, новвойхона ва бошқа маданий-маиший муассасалар ишлаб турибди.

Янгиернинг асосий сув манбаи — Жанубий Мирзачўл каналининг 105 километрга чўзилган биринчи навбати қурилиб, ишга туширилди. Бу канал суви 350 минг гектар ерга ҳаёт бахш этади.

«Главголодностепстрой» ўзининг кучли материал — техника базасига эга. Қурилиш ва чўлни ўзлаштириш учун зарур бўлган материаллар Бекобод, Жиззах, Янгиер, Гулистон ва бошқа шаҳарлардаги заводларда тайёрланяпти.

Мирзачўлликлар она-Ватанни илк туҳфа билан қувонтирдилар. Кейинги икки йилдагина пахтакор совхозлар давлатга 43139 тонна «оқ олтин» сотдилар. Ана шу пахтадан 118,6 миллион метр газлама, 4141 тонна пахта ёғи, 10094,5 тонна шелуха, 862 тонна совун ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

1963 йилда «Главголодностепстрой» коллективи олдида катта ва шарафли вазифалар турибди. Биз бу йил капитал қурилишга ажратилган 74 миллион сўм маблағни тўла ўзлаштиришимиз, 53,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз, 24,3 минг гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритишимиз керак.

Л. ГОРОХОВ,
«Главголодностепстрой» молия-иқтисод бошқармасининг бошлиғи.

БИР ТЕРИДА ИККИ ҚЎЙ

СИРДАРЁ, **(«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири).** Область колхоз ва совхозлари чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Тимирязев номли совхоз коллективи давлатга 570 центнер гўшт сотиб, биринчи квартал планини ошириб адо этди. Ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 347 центнер кўп гўшт тайёрланди.

Ўтган йилларда давлатга гўшт учун сотилган ҳар бош қўйнинг тирик вазни 30-33 килограмм келар эди. Бу йил совхоз бўйича ҳар бош қўйнинг тирик вазни ўртача 50 килограмм. Ў. Тожбекиев, Т. Хўжааҳмедов, Б. Оқпонов сингари тажрибали бош чўпонлар отаридан топширилган ҳар бош қўйнинг тирик вазни 60-64 килограмм бўлди. Бир терига икки қўй сиғади, дейилишининг боиси шу-да.

М. НАЗАРОВ.

БИЗ ИШНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТДИК

Хўжалик йилининг якунига бағишланган йиғилишда правление раҳбарлари қаттиқ ва адолатли танқидга учради. Колхозчилар йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни мисоллар билан рўй-рост очиб ташладилар, уни тугатишга қаратилган қимматли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага қўйдилар. Музокарада сўзга чиққан пахтакор, механизатор, чорвадор, қурувчи ва бошқа касб эгасининг жон куйдириб гапиришининг бойиси бор эди. Нотиқлар нутқининг мағзини чақиб кўрар экансан, «кўпдан кўп ақил чиқади», деган мақол ҳаётдан олинганига яна бир марта ишонч ҳосил қиласан, киши.

Колхозимиз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмай давлатдан 845 тонна пахта қарздор бўлиб қолди. Давлатимиз бизга ҳар йилдагидан кўп машина, минерал ўғит берди, сув камоб бўлди дея олмаймиз. Об-ҳаво ва иқлим шароити пахтадан юқори ҳосил етиштиришга мос келди. Ишчи кучидан камчил жойимиз йўқ. Шунга қарамай пахта тайёрлаш йиллик плани 72 процентда қолди. Нега шундай бўлди? Бунинг сабаби шундаки, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хўжаликни бошқаришга малакали раҳбарлик қилмади, қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун қаттиқ кураш олиб борилмади, камчиликларга муросасозлик қилинди, пахтачиликни ривожлантиришга доир резервларни қидириб топиш ва ишга туширишда жонкуярлик бўлмади, колхозчиларнинг ташаббускорлиги ва активлиги оширилмади. Ана шулар натижасида ғалвир сувдан кўтарилганда ер чизиб, қизариб қолдик.

Бу йил бултурги доғни ювишимиз керак, 25 центнердан пахта етиштириш ҳақидаги мажбуриятнигина эмас, балки ўтган йилнинг боқимондасини ҳам узишимиз шарт. Халқимиз билан шундай деб келишиб олдик. Аммо ваъдабозлик, қарорлар кабул қилиш билан иш битмаслигини аччиқ сабоқдан тушундик. Раисдан тортиб сувчигача, мутахассисдан тортиб тракторчигача — ҳамма баравар астойдил ишга киришгандагина белгиланган маррага етиш мумкин. Коллектив хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси етти йилликнинг бешинчи босқичида ўзи эгаллаши лозим бўлган чўққини мўлжаллаб, дадил қадам ташлаяпти.

Бригада ва звено бошлиқлари, чигит экиш агрегатларининг экипаж аъзолари илғор тажрибалар мактабида, механизаторлар малака ошириш курсида ўқитилди. Янгидан 30 га яқин механизатор кадр тайёрланди. Сирдарё область Советининг депутати Қолдон Пирмонов бошлиқ звено ўтган йили колхоз бўйича энг юқори ҳосил етиштирди. У машинада 30 теримчининг ишини бажарди. Ана шу звенонинг илғорлик «сири» нимада? Звено даласида ўтказилган амалий машғулотда пахтакорлар бу саволга тўла жавоб олдилар ва звенонинг иш тажрибасини ўзида кенг қўллаш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Мамед Маметов, Тулеп Букенбоев, Норбой Назаровлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари бу йил гектаридан 27-30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдилар.

Яқинда правление ва партия комитети тузган комиссия колхоз ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида бўлиб, кўклам дала ишларига тайёргарликни текшириб чиқди. Улар анча камчиликларни аниқлади. Масалан, қорамолчилик ва қўйчилик фермаларида 1200 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит тўпланиб ётибди. Бригада бошлиқлари ўғитнинг вақтида ташиб олинишини таъминламаган. Оператив чоралар кўрилди, гўнг ва қўй қийи ташиб чиқилиб, гўнгхоналарда чиритилмоқда. Учта универсал трактор сифатсиз ремонт қилинган, эскирган запас қисмлар алмаштирилмай мойлаб қўйилган. Бу масала ҳам узил-кесил ҳал қилинди. Биз бу йил чигит экиш даврида универсал тракторлардан икки сменада фойдаланишни планлаштирдик. Шундай бўлгач уларнинг ремонтига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Уруғлик чигит ташиб олиш, уни саралаш, минерал ўғитни сақлаш, далада ишлаётган колхозчиларга ҳақ тўлашда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди ва бу камчиликлар тезда тузатилди.

Мутахассислар бригада ва звено бошлиқлари билан бирга қайси картага қайси схемада, қачон чигит экилишини белгилаб чиқдилар, йўл-кўприклар ҳам тузатиб қўйилди. Бу йилги ютуқлардан бири шуки, тўла гектар учун қаттиқ курашиляпти. Шу мақсадда уватлар, муваққат суғориш шохобчалари йўқотилди, айрим кичик карталар йириклаштирилди. Имконияти бор бригадаларда пахта майдони ташландиқ ва партов ерлар ҳисобига 20-25 гектар кенгайтирилди. Карталар йириклаштирилди, бу эса терим машиналаридан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Айрим кишилар пахта тайёрлаш планини бажара олмаган бригада бошлиқларини ёппасига алмаштириш масаласини қўйди. Биз бу фикрга рози бўлмадик. Правление ва партия ташкилотининг қўшма мажлисида планни бажармаган бригада бошлиқлари билан ошкора гаплашиб олдик, хатоларни кўрсатдик. Улар бу йил хатоларни тузатишга сўз бердилар. Айрим ери унумсиз, ишчи кучи ва техника воситалари кам бригадаларга амалий ердам кўрсатдик. Ҳозир колхозимизда ҳамма нарса чигит экишга тахт қилиб қўйилди. Маккажўхори ва бошқа экинлар экиладиган ерлар ҳам ўғитланиб, шудгорлаб қўйилди.

Чигит экиш даврида колхозчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш юзасидан алоҳида тадбирлар белгиладик ва у тадбирларни амалга ошириш учун масъул кишилар ажратилди.

С. МИРЗААЛИЕВ,
Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

ЭНГ ОММАВИЙ ТАШКИЛОТ

Ватан фронти съездида Т. Живков нутқи

СОФИЯ, (ТАСС). 16 мартда Ватан фронти V съездининг якунловчи мажлисида съезд делегатлари ва меҳмонлари томонидан самимий кутиб олинган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Болгария Министрлар Советининг раиси Тодор Живков катта нутқ сўзлади.

Георгий Димитров ташаббуси билан тузилган Ватан фронти, деди Тодор Живков, ўзининг тарихий вазифасига тамомила муносиб иш қилиб келмоқда. Ватан фронти энг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлиб, болгар халқининг иззат-ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлди. Ватан фронтининг кучи унинг кенг халқ оммаси билан маҳкам ва чамбарчас боғланганлигида, Болгария Коммунистик партиясининг раҳбарлигида, мамлакатимизда социализм қуриш учун олиб бораётган курашидадир.

Сўнгра, Тодор Живков Болгариядаги ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ватан фронти олдида турган катта вазифаларга тўхталиб ўтди. Бу вазифалар давлатни бошқаришда меҳнаткашларни актив қатнаштиришдан, социализм ва коммунизм қурувчи янги кишини тарбиялаш соҳасида иш олиб боришдан иборат. Тодор Живков сўзининг охирида Болгария Коммунистик партиясининг VIII съезди тарихий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади ва Ватан фронтини ўзининг бутун куч-ғайратини съезд қарорларини амалга оширишга сарф қилишга даъват этди.

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ЗИЁФАТДАН БОШ ТОРТДИ

Франция ташқи ишлар министри Англия ташқи ишлар министри лорд Хьюм томонидан келгуси ҳафтада Парижда бериладиган зиёфатда ҳозир бўлишдан бош тортди. Англияда чиқадиган «Дейли телеграф» газетаси Франция ташқи ишлар министрининг бу ҳаракатидан норози бўлиб, француз министрининг бу қарорини «бачканалик» деб атайди. Аммо, газета инглизларнинг ўзлари бир вақтлар шундай хатти-ҳаракатда бўлганликларини ва малика Маргаритага ўтган ойда Парижга қиладиган визитидан воз кечишни «маслаҳат» кўрганликларини эътироф этади.

(ТАСС).

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТ

КОБИЛ, (ТАСС). Афғонистоннинг янги бош министри Муҳаммад Юсуф Кобил радиоси орқали нутқ сўзлаб, ўз ҳукуматининг программасини баён қилиб берди.

Ҳукумат, деди бош министр, бетарафлик ва блокларга қўшилмасликдан иборат традицион сиёсатни амалга оширади. Бу сиёсатнинг асл мақсади — мустақилликни, миллий суверенитетни, территориал бутунликни сақлашдан, бир-бирларини ҳурмат қилиш ва ўзаро ишонч асосида барча халқлар ва миллатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашдан, тинчлик ишига хизмат қилиш ва давлатларнинг тинч-тотув яшашига эришишдан иборат.

Бош министр Совет Иттифоқи билан муносабатлар тўғрисида гапириб, бундай деди: «Афғонистоннинг бизга дўст мамлакат — СССР билан муносабатлари энг бошданоқ яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат принципларига асосланди. Бу муносабатлар кейинги йилларда ҳар иккала мамлакат давлат арбобларининг ўзаро маҳкам алоқалари ва визитлари туфайли, шунингдек самарали ва мақбул ҳамкорлик туфайли, мамлакатнинг миллий манфаатларига муносиб суратда техника ёрдами, иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатилаётганлиги туфайли янада кенгайди ва мустаҳкамланди. Афғонистон ҳукумати, деб таъкидлади у, ана шу яхши қўшничилик муносабатларини давом эттириш ва мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам зўр ғайрат билан иш олиб боради.

Афғонистон, деди сўзининг охирида М. Юсуф, «тинчликни таъминлашга қаратилган ҳар қандай тадбирни табриклайди».

ПОЛЬШАДА «1963 ЙИЛ БАҲОРИ» ЯРМАРКАСИ

ВАРШАВА, 17 март. (ТАСС). Бугун Познанда «1963 йил баҳори» деган XI Умум Польша ярмаркаси очилди. Бу ярмарка Польша саноати эришган муваффақиятларни намойиш қилади. Аҳолига сотиш учун жами 20 миллиард злотийлик товарлар ярмарка павильонларига қўйилди.

ТУНИСДА ҲУКМЛАР

ТУНИС, 17 март. (ТАСС). Тунис ҳарбий трибунали ўтган йилнинг декабрь ойида ҳукуматга қарши уюштирилган ва муваффақиятсиз чиққан фитнада қатнашишда айбланган 43 кишининг иши юзасидан кеча ҳукм чиқарди. Айбланувчи Абдураҳмон Ромс сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинди. Қолган айбдорлар турли муддатлар билан тюрьма жазосига ва каторга ишларига ҳукм қилинди.

ЖАЗОЧИЛАР ТАЛАФОТ КЎРМОҚДА

ПАРИЖ, 17 март. (ТАСС). Португалия Гвинеясининг миллий озодлик кучлари португалиялик мустамлакачиларга сезиларли зарбалар бермоқдалар. Мустамлакачилар кўп кишиларидан ажрамоқда.

1963 йил 16 январдан 13 мартга қадар ўтган вақт ичидагина, дейилади Португалия Гвинеясини озод қилиш фронтининг Конакрида эълон қилинган ахборотида, португалиялик жазочилардан 36 киши ўлдирилди ва 117 киши ярадор қилинди. Бу ҳақда Франс Пресс агентлигининг мухбири Конакридан хабар беради.



Болгария Халқ Республикаси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзосидир. Республиканинг экономикаси муваффақиятли ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тавсияси билан Варна округида пластмассалар учун хом ашё ишлаб чиқарувчи завод қурилмоқда. Корхонани бу йил ишга тушириш мўлжалланмоқда.

БТА — ТАСС фотоси.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

▲ Кобилда Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида тузилган битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ, Совет Иттифоқи Баграм аэродроми қурилишининг иккинчи навбатидаги ишларни бажаришда Афғонистонга ёрдам беради.

▲ Португалия қўл остидаги Гвинея ватанпарварлари мустамлакачиларга қарши миллий озодлик курашини кучайтирмоқдалар. Португалия қўл остидаги Гвинеяни ва Яшил бурун ороллари озод қилиш ҳаракати қатнашчиларининг вакили Конакрида қуйидагиларни айтди: ватанпарварлар яқинда португалияликларнинг ҳарбий колоннасига ҳужум қилдилар. 400 солдатдан 150 киши асир олинди, қолганлари ваҳимага тушиб, тумтарақай қочдилар.

▲ Индонезия тинчлик комитети Жанубий Вьетнам ҳукуматига телеграмма юборди. Телеграммада бундай дейилади: Америка қўшинлари ва нгодиньдьемчи қўшинларнинг ўз озодлиги учун курашаётган Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши заҳарловчи моддалардан фойдаланишни дарҳол тўхтатишларини талаб қиламиз.

▲ Вьетнам касаба союзлари федерацияси француз шахтёрларининг қаҳрамонона кураши билан бирдам эканлигини билдириб, умуммеҳнат конфедерациясига телеграмма юборди. Вьетнам касаба союзлари, дейилади телеграммада, француз ишчиларининг ўз ҳуқуқлари ва касаба союз эркинликлари учун, де Голлнинг диктаторлик режимига қарши курашда янги муваффақиятларга эришувларини тилайдилар.

▲ Лондонда Италия ташқи ишлар министри Пиччонининг Англия ҳукумати вакиллари билан олиб борган музокаралари тамом бўлди. Эълон қилинган ахборотда айтилишича, музокараларда НАТОни мустаҳкамлаш проблемаларига алоҳида эътибор берилган. Англия ташқи ишлар министри Хьюм билан Пиччони ўртасида олиб борилган музокараларда НАТОнинг ядро кучларини вужудга келтириш масаласи муҳокама қилинди. (ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН

ПОЛЬША. «Урсус» трактор заводининг ишлаб чиқариш цехига кирар экансиз 37 рақамига кўзингиз тушади. Бу бизнинг қишлоқ хўжалигига ёрдамимиз дейишади тракторсозлар. Улар бу йил маҳсулот ишлаб чиқаришни 37 процентга кўпайтиришга аҳд қилишган. Завод бир йилда қишлоқ хўжалиги учун 15.200 та трактор етказиб беради.

Мамлакат қишлоқлари саноат корхоналаридан турли хилда лавлаги кавлайдиган, ғалла йиғиштирадиган комбайнлари, ўғит сепадиган бир қанча машиналарни олади. Шу кабиларни ишлаб чиқарадиган заводлар шу йил ичида бу маҳсулотлар тайёрлашни 10 процентга оширади.

СУНЪИЙ ЮРАК

ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Старо Турдаги аниқ механика заводи Прага, Братислав, Мартин клиникаларига яқинда қонни сунъий равишда айлантирадиган учта янги аппарат юборди. Бу шу ёш заводда тайёрланган учинчи сунъий юракдир. Чехословак мутахассислари бу аппаратни яратишда Совет Иттифоқи мутахассисларининг тажрибаларидан фойдаландилар. Корхона ана шундай сунъий юраклардан яна ўнтасини тайёрлайди. Улардан бир қисми Болгария билан Германия Демократик Республикасига экспорт қилинади.

400 ЖАМИЯТ

МЎҒУЛИСТОН. 1962 йили давлатга 1961 йилдагига қараганда 10 процент кўп мўйна топширилган эди. Мўйна Мўғулистон Халқ Республикасининг чет элга экспорт қиладиган товарлардан энг муҳими ҳисобланади. Ҳозирги вақтда республикада мўйна тайёрлаш билан овчиларнинг 400 жамияти шуғулланади. Бу жамиятда 20 минг киши бор.

КЕНГ ЭКРАНЛИ КИНОТЕАТР

ВЬЕТНАМ. Ханойда Шимолий Вьетнамда биринчи бўлиб, минг кишига мўлжалланган кенг экранли кинотеатр очилди. Кинотеатр Германия Демократик Республикасидан юборилган замонавий асбобускуналар билан жиҳозланган.

НЕФТЧИЛАР УЧУН

РУМИНИЯ. Мамлакат нефтчилари кейинги йиллар ичида янги қурилган уйлардан 7000 га яқин квартира, ётоқхоналардан эса 31.500 дан ортиқ жой олдилар. Нефть ва нефть химия саноатининг ишчиларига фақат 1962 йилнинг ўзидагина 1.400 дан ортиқ квартира берилди. Нефтчилар ихтиёрига 50 га яқин клуб ва 10 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган томоша заллари, 80 радиоузел, ўнларча кинотеатрлар, спорт клублари ва майдончалари бериб қўйилган. Шунингдек уларга 41 касалхона, 17 поликлиника, 34 диспансер ва 48 медицина пунктлари хизмат қилади, буларда 1200 медицина ходимлари ишлайди.

(ТАСС).

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Денгизга чиқамиз** (болалар учун очерк), 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — **Партиявийлик ва халқчиллик — адабиёт ва санъатнинг муҳим принципи**, 19.00 — **Ўзбекистон хотин-қизларининг III съезди олдидан.**

Қозоқ тилида: 19.20 — **Сирдарё области далаларида.**

Рус тилида: 19.40 **«Мусаффо осмон»** 21.05 — **Ёшлар учун** (рус тилида), 21.25 — **Саноат ходимлари учун**, 21.40 — **Телевизион янгиликлар**, 21.55 — **Здоровье** телевизион журнали (Ўзбекистон медицина ходимлари 1-съездига бағишланган махсус сон), 22.40 — **Болаларни эстетик тарбиялаш** (ота-оналар учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.05 — **Фан янгиликлари**, — 19.20 — **В. Раборовский** (саёхатчи, текширувчи ва рассом).

Ўзбек тилида: 19.40 — **Коммунистик меҳнат кишилари**, 20.00 — **Архитектура ҳақида**, 20.25 — **Уз ақли билан** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Тобутдан товуш**, 20/III да **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да **Алпомиш.**

КИНО

Ҳамкасблар — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Меҳрга муҳтож яна бир киши — «ДРУЖБА» (1-залда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Хуано Гальо — «ДРУЖБА» (2-залда), «МИР» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 6 ва 8 да).

Ҳайкалларгина гапирмайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Синчалак — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Етти шамолда — «МИР» (эрталаб соат 10 да).

Қизлар — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Евдокия — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Аннушка — «ВОСТОК» (эрталаб соат 10 да).

Пэпо (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), **Альба Регия** (кундуз 3-15 минутда) — «ЁШ ГВАРДИЯ».

Қуёш ва соя (кундуз соат 2 ва кеч 10 да), **Екатерина Воронина** (кундуз 4 да) — «МОСКВА».

20 март кеч соат 7 да, Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

навбатдаги машғулоти

ЛЕКЦИЯЛАР

1. **«Давлатларнинг ташқи муносабатлар органи, ҳозирги дипломатик хизмат».** Лектор — тарих фанлари кандидати **Р. Х. Шарофиддинов.**
2. **«Европа интеграцияси «Умумий бозор».** Лектор — **Ж. Мўминов.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

20, 21, 23 мартда

Ўзбек Давлат эстрадаси

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, эстрада солисти **Фахриддин Умаров** ва бошқалар қатнашади.

Программани **Ғулом Тожиаълоев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

19, 20 мартда

„ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР"

АТТРАКЦИОНИ.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Иван Рубаннинг

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ

Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

Совхоз кўчаси, 25-уйда турувчи **Усмон Калқуловнинг** шу уйда турувчи Камрит Калқуловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ТЎРТКЎЛ. М. Горький номли колхозда колхоз ва совхоз кадрлари тайёрлайдиган бир йиллик курс ташкил қилинди.

А. Бобожонов.

ЯНГИЙЎЛ бошқармасидаги «Қизил Октябрь» колхозида очилган 4 ойлик шоферлар курсида 30 киши ўқимоқда.

Р. Назарқосимов.
А. Ҳамидова.

ЧИРЧИҚ. Шаҳарнинг марказий кутубхонасида классик музикаларни пропаганда қиладиган секция ишга тушди.

Т. Сихарулидзе.

ШАҲРИСАБЗ шаҳрида кенг экранли кинотеатр биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Н. Пирмуҳамедов.

НАМАНГАН. «Гигант» колхозида қурилиш ишлари бошқа қишлоқ хўжалик артелларига ўрнак бўладиган даражада. Бу йил колхозда намунали мактаб-интернат, 100 дан ортиқ уй-жой ва 13 та маданий маиший бинолар, шунингдек хўжалик эҳтиёжи учун 60 та янги бино қад кўтарди.

С. ҚОРИЕВ.

КАТТАҚЎРҒОН ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозида 250 хўжалик тўла электрлаштирилди.

Х. ЭШМУРОДОВ.

НУКУС. Станиславский номли давлат музикали драма ва комедия театри коллективи республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, қардош Туркманистоннинг Чоржўй областларида гастролда бўлиб қайтди.

Н. ИНОҚОВ.

КАЛИНИН районидаги «Москва» колхозида янги ветеринария пункти ишга тушди.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

АНДИЖОН районидаги «Октябрь» колхози марказида янги сельмаг, Жданов номли колхозда эса магазин биноси фойдаланишга топширилди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ОМБОРДА БОР-У, МАГАЗИНДА ЙЎҚ

Жданов номли совхоз территориясида 11 савдо магазини бор. Аммо бу магазинларда энг зарур истеъмол товарлари, масалан, кўнчой, гуруч, сариёг, чинни идишлар бўлмайди. Шунинг учун харидорлар район марказига ёки Нукус шаҳрига қатнашга мажбур бўлмоқдалар. Район матлубот жамияти правлениеси эса харидорлар талабига тегишинча аҳамият бермаётир.

Ишчилар номидан:

совхоз ишчилар комитетининг раиси: И. МИРЗАБЕКОВ.

БИР ХАТ ИЗИДАН

Кегайли район магазинларини айланиб чиққач, Жданов номли совхоз ишчилар комитетининг раиси ўртоқ М. Мирзабековнинг хати тамомила асосли эканлигига қаноат ҳосил қилдик. Совхоз территориясидаги магазинлардан бирига кирдик. Одамлар кириб-чиқиб турибди.

— Нон келдими?

— Йўқ.

— Туз борми?

— Йўқ.

— Гугуртдан беринг.

— Тамом бўлган.

Харидорларнинг бу каби саволларига сотувчи аёл ёд олгандай «йўқ-йўқ»лаб турибди. Биз уни магазин мудири деб ўйладик ва савдо-сотиқ ишлари билан қизиқдик. Маълум бўлишича, аёл магазин мудири С. Қулимбетовнинг хотини бўлиб, эрининг ўрнида турган экан. Магазин озода тутилмаган, пол, деворлар, прилавкалар ифлос. Товарлар палапартиш, остин-устин уюб ташланган. Бирпасдан кейин магазин мудири С. Қулимбетов кириб келди:

— Савдонинг мазаси йўқ, — шикоят қилди дабдурустдан у.

Харидорга керакли товарлар бўлмагач, қандай қилиб савдонинг «мазаси» бўлсин? Ваҳоланки, район матлубот жамияти омборларида туз, гугурт ва шу каби кенг истеъмол товарлари босилиб ётганини кўрдик. «Нега келтириб сотмайсиз?» деган саволимизга:

— Транспорт йўқ, — дея баҳона қилди магазин мудири.

— Райпода автомашиналар кўп-ку?

— Тўғрисини айтсам, рўзғор ишлари билан овора бўлиб қолиб, вақтида келтиролмадим...

Магазиндаги шикоят дафтарида энг зарур буюмлар келтирилмаслиги, товарларнинг ортиқча нарх билан сотилиши ёзилган. Аммо бу шикоятларни ҳеч ким текширмаган, чора кўрмаган. Бу ердаги аҳволни кўргач, уни магазин эмас, Қулимбетовнинг шахсий хўжалигига айланиб қолмаганмикин деб ўйлайсан, киши. Чунки у, магазинни кўнгли хушлаганида очади.

Бошқа магазинларда ҳам аҳвол бундан ўзгача эмас. 14-магазинда ҳам дўкон мудири Ўрозгул Айтбоева ўрнига ўқувчи ўғли савдо қилмоқда. Магазинда тартиб-озодаликдан дарак йўқ. 10-магазинда ҳам аҳвол шу — молларни чанг босиб ётибди. Ўтган йили апрель ойида келтирилган 111 сўм 65 тийинлик китобдан ханузгача бир донаси ҳам сотилмаган, чунки китоблар прилавка остида, товарлар тагида қолиб кетган.

«Халқобод» совхози марказидаги хўжалик буюмлари магазинида сотувчи Б. Ўтарбоев савдо қоидасини бузмоқда. У, магазинга келтирилган чинни идишларни беш-олти танишига узатади, қолганини бозорга чиқариб соттиради. Бу ҳақда тузилган актлар район матлубот жамиятида босди-босди бўлиб кетди.

Кегайли ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Эркиндаре», Энгельс номли, Куйбишев номли совхозлардаги савдо шохобчаларида ҳам савдо тартиби қўпол равишда бузилмоқда.

Умумий овқатланиш муассасалари ходимлари таомларнинг лаззатли бўлиши учун қайғурмайдилар. Райондаги 20 ошхонадан 9 таси совхозларда жойлашган. «Халқобод» ва «Кегайли» совхозларидаги ошхоналарда таомларнинг турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун курашилмаяпти.

Бу нарса шунга олиб келмоқдаки, район матлубот жамияти товар обороти планларини бажармаётир. Ўтган йили бу ерда чакана савдо обороти плани 97 процент, умумий овқатланиш корхоналарида эса 80 процент бажарилди, холос.

Савдо ходимлари харидорлар учун зарур мавсумий кийим-кечак, пойафзал, хўжалик буюмлари (ойна, лампа шиша, идиш-товоқ ва бошқа товарлар) келтириб сотишни, складлардаги товарларнинг магазинларга тўғри тақсимланишини ташкил этмаётирлар.

Оқибатда 102 магазиндан фақат 25 таси планни бажарди, холос. Район матлубот жамияти меҳнаткашларга насияга товар сотишни уюштириш тўғрисида ўйлаб кўрмаётир.

Савдо-сотиқ ёмон уюштирилганлиги тўғрисида меҳнаткашлардан район ижроия комитетига 1962 йилнинг ўзидагина 40 дан ортиқ ариза-шикоят тушган. Бироқ, меҳнаткашларнинг бу ариза-шикоятларига район ижроия комитети юзаки қараб келмоқда. Бунинг натижасида харидорлар шу жойнинг ўзида ҳал қилиш мумкин бўлган масала юзасидан ҳам юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Кегайли район ижроия комитети (раиси ўртоқ Ж. Бекберганов) савдо шохобчаларида тегишли тартиб ўрнатишни район матлубот жамияти правлениесидан талаб қилиши, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига сезгирлик билан қараши керак ва савдо-сотиқ соҳасидаги камчилик ва хатоларни дарҳол тугатиш чораларини кўриши лозим.

Ҳ. ИКРОМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбирлари.

КАТТА ХИМИЯ УЧУН

Луганскликлар ташаббусига қўшилган «Узбекхиммаш» заводи ишчилари ва мутахассислари «катта химия» корхоналарига асбоб-ускуналар етказиб бериш мажбуриятини муддатидан олдин бажаришга аҳд қилдилар.

Машинасозлар биринчи кварталнинг дастлабки икки ойи ичида Навоий химия комбинати учун 18 та химия аппаратини муддатидан илгари тайёрлаб бердилар.

Завод коллективи томонидан Салават химкомбинати учун тайёрланган 4 та мураккаб аппарат мамлакатимизда биринчи марта яратилган машиналардир. «Узбекхиммаш»чилар Чирчиқ электрохимия комбинатига ҳам 7 та аппарат тайёрлаб бердилар. Қардош Украина ССРдаги синтетик тола ишлаб чиқарадиган Чернигов химия комбинатига музлатувчи установка тайёрлаб юборилди.

«Катта химия» учун янги типдаги мураккаб автомат машиналар яратишда Б. Казаков, Б. Беляков каби инженер-конструкторлар актив қатнашмоқдалар.

О. ЛЕВАК,

«Узбекхиммаш» завод касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТЕРМА КОМАНДАСИ ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

СТОКГОЛЬМ, 17 март. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет Иттифоқи терма командаси хоккей бўйича жаҳон чемпионатининг охирги матчида Канада спортчиларини енгиб, учинчи марта жаҳон биринчилигини эгаллади. Ана шу ўйин ҳисоби 4:2 (3:0, 1:0, 0:2) бўлди. А. Альметов, Э. Иванов, Ю. Волков, В. Старшиновлар канадаликларнинг дарвозасига шайбаларни уриб киритдилар.

СССР командаси 1954 йилда Стокгольмда ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи катта ғалабага эришган эди. Шундан кейин совет хоккейчилари 1956 йилда Кортина д'Ампеццода жаҳон, Европа чемпионлари ва олимпиада ўйинлари чемпионлари номини олдилар. Эндиликда бизнинг командамиз яна катта мукофот олди. У яна жаҳон ва Европа чемпиони бўлди.

СПОРТЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида 17 спорт секцияси мунтазам ишлаб турибди. Бу секцияларда 1550 га яқин студент шуғулланмоқда. Жисмоний тарбия кафедраси ҳар йили 400 разрядли спортчи тайёрламоқда.

Институт спортчилари республика олий ўқув юртлари бўйича ўтказилган мусобақада спортнинг енгил атлётика, классик кураш ва баскетбол бўйича олдинги ўринларни эгалладилар.

Яқинда институт спортчилари стол тенниси бўйича «Подъёмник» заводи спортчилари билан учрашдилар, учрашув 12:0 ҳисоби билан студент-спортчилар фойдасига ҳал бўлди. Институт волейболчилари эса, пойтахтнинг «Спартак» командаси устидан ғалаба қозондилар.

Институт спортчилари беш минг киши сиғадиган стадион қурдилар. Спорт машғулотларини ўтказиш учун спортчиларга 3 та баскетбол, 4 та волейбол майдончаси, қишки спорт зали ва қишки тир ажратиб берилган.

М. СУЛТОНОВ.

ҲОДИСА

БЕЗОРИ ОТА

Тунда шаҳар милиция бўлимининг навбатчиси турган хонага бир аёл киши ҳовлиққанча кириб келди.

— Ёрдам беринг, уйнинг тўстўполонини чиқарди, ҳаммани уряпти.

Оператив навбатчи милиция лейтенанти Карим Рауфов Карл Маркс кўчаси томон шошилди.

Аёллар ва болалар олдида гердайиб турган «паҳлавон» Н. Саюшев милиция ходимининг келиши билан писиб қолди. Тўполончини машинага ўтказишган ҳам эдики, «Қаранг, ёняпти, ёнгин!» деган ҳайқириқ ҳамманинг эътиборини ўзига тортди.

— Вой болам, Танечка, — Нина Салюшеванинг даҳшатли ҳайқириғи киши юрагини эзгудай бўлди. Безори Николай уйга ўт қўйиб кўчага чиққан экан.

Рауфов Саюшевлар уйига ўқдай отилиб кирди. Уй қоронғи, қуюқ тутун димоғни бўғиб, нафас олишга қўймайди. Лейтенант пайпаслаб бориб, беланчакни топди. Чақалоқ йўқ. Рауфов гўдакли кровать тагидан топиб, ўзини ташқарига отди ва болани онасига топшириб, ўт ўчиришга киришди.

Милиция ходимининг эпчиллиги ва кўпчиликнинг ёрдами билан ўт ўчирилди. Шундай қилиб, безори ота Николай Саюшев қўлга олинди, унинг қизи Танечка қутқарилди ва ёнгин ўчирилди.

М. ИВАНОВ,
Самарқанд шаҳри.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.



САМАРҚАНДДА бундан икки йил олдин катта ҳажмда уй-жой қурилиши бошланган эди. Орадан кўп ўтмай, бу ерда жуда кўп кўркам бинолар қад кўтарди, аҳоли бу қурилишни Самарқанд Черемушкаси деб атамоқда. Суратда: қурилиш участкаларидан бирида.

А. Палехов фотоси.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34435. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06269. Индекс 64543. Нашр. № 66.